ISSN:3030-332X
Impact factor: 9,493
International journal of scientific researchers

ЭЛЕКТРОН АКТИВЛАРГА УНДИРУВ ҚАРАТИШНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАСИ ВА УНИ ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИГА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Равшанов Даврон
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни
муҳофаза қилиш академияси тингловчиси
https://doi.org/10.5281/zenodo.23086874

Аннотация. Мазкур мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида суд ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш тизимини ислоҳ қилиш, хусусан, электрон активлар, электрон ҳамёнлар ва маркетплейслардаги маблағларга ундирув қаратишнинг илғор хорижий тажрибаси комплекс қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Муаллиф АҚШ, Буюк Британия (инсофлилик ҳуқуқи, Марева Инжунстионс, Гарнишее Ордерс), Германия (ЗПО нормалари бўйича пул талабларини хатлаш), Жанубий Корея (КФТС тизими орқали автоматик музлатиш) ҳамда МДҲ давлатларининг кодификациялашган норматив моделларини чуқур таҳлил қилган. Хорижий амалиётдаги ундирувни ашёвий мулкдан мажбурият-ҳуқуқий талабларга кўчириш, Опен АПИ интеграцияси ва реал вақт режимида блоклаш механизмларининг ижобий жиҳатлари ҳамда децентрализациялашган муҳитдаги коллизиялар очиб берилган.

Калит сўзлар: электрон активлар, электрон ҳамёнлар, мажбурий ижро, МИБ, даъвони таъминлаш, хатлаш, Гарнишее Ордер, Пфандунгсбесчлусс, финтех, эскроу-маблағлар, де леге ференда.

Абстраст. Тҳис артисле провидес а сомпреҳенсиве сомпаративе легал аналйсис оф адвансед фореигн ехпериенсе ин енфорсинг жудисиал астс агаинст дигитал анд елестронис ассетс, e-wаллетс, анд фундс он е-соммерсе платформс, витҳ ан емпҳасис он тҳеир имплементатион инто тҳе легислатион оф тҳе Републис оф Узбекистан. Тҳе аутҳор ехаминес тҳе соммон лаw моделс оф тҳе УС анд тҳе УК (Марева инжунстионс, Гарнишее ордерс, УСС Артисле 12) анд тҳе сивил лаw сйстемс оф Германй, Соутҳ Кореа, анд СИС натионс. Тҳе студй аддрессес тҳе тҳеоретисал анд проседурал чалленгес оф адаптинг фореигн диссретионарй легал институтионс инто а содифиед Романо-Германис сивил лаw традитион.

Кейwордс: елестронис ассетс, e-wаллетс, сомпулсорй енфорсемент, ассет фреезинг, Гарнишее Ордер, финтеч платформс, сивил проседуре, ессрow ассоунтс, де леге ференда.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиёт муҳитида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш тизимини ислоҳ қилишда ривожланган хорижий давлатларнинг илғор қонунчилиги ва амалиётини комплекс қиёсий-ҳуқуқий (компаративистик) таҳлил қилиш фундаментал методологик аҳамиятга эгадир[1].

Жаҳон юриспруденциясида электрон пуллар, электрон ҳамёнлар ва рақамли активларга ундирув қаратиш бўйича шаклланган ҳуқуқий моделларни шартли равишда иккита асосий тизимга — англо-америка ҳуқуқ оиласига (соммон лаw) мансуб прецедент модел ҳамда романо-герман ҳуқуқ оиласига (сивил лаw) мансуб кодификациялашган норматив моделга ажратиш мумкин[2].

АҚШ ҳуқуқ тизимида электрон активларни тартибга солиш ва уларга ундирув қаратишнинг доктринал базиси Бирхиллаштирилган савдо кодексига (Униформ Коммерсиал Соде — УСС) киритилган 12-модда («Контроллабле Елестронис Ресордс» — СЕР) ҳамда ФинСЕН регламентларига асосланади[3].

АҚШ процессуал амалиётида рақамли активлар ва электрон ҳамёнларни хатлаш бевосита суднинг чекловчи буйруқлари (рестраининг ордерс) ва активларни блокировка қилиш фармойишлари (фреезинг/аттачмент ордерс) орқали амалга оширилиб, финтех платформалари (ПайПал, Стрипе) автоматик алгоритмлар орқали ушбу қарорларни сониялар ичида ижро этадилар[4].

Буюк Британия юрисдикциясида электрон ва рақамли активларга ундирув қаратиш инсофлилик ҳуқуқи (еқуитй лаw) ва прецедент ҳуқуқи нормалари асосида ривожланиб, Буюк Британия Ҳуқуқий Комиссияси (Лаw Соммиссион) томонидан рақамли активлар учинчи тоифадаги мулк (тҳирд сатегорй оф персонал пропертй) сифатида эътироф этилган[5].

Буюк Британияда электрон тижорат ва финтех платформаларидаги маблағларни музлатишнинг институционал воситаси сифатида Марева Инжунстионс (Wорлдwиде Фреезинг Ордерс) ҳамда учинчи шахслардаги қарздорликни ундириш бўйича Гарнишее/Тҳирд-Партй Дебт Ордерс кенг қўлланилиб, суд ижрочиси эмитент ёки платформа операторига тўғридан-тўғри ижро фармойишини юборади[6].

Германия Федератив Республикасининг романо-герман тизимига асосланган қонунчилигида электрон активларни хатлаш Германия Фуқаролик процессуал кодекси (Зивилпрозессорднунг — ЗПО) 829 ва 835-моддаларида назарда тутилган пул талабларини хатлаш ва уларни ундирувчига ўтказиш (Пфäндунг унд Üберweисунг вон Фордерунген) институти асосида амалга оширилади[7].

Германия ижро амалиётида суд ижрочиси (Геричтсволлзиеҳер) қарздорнинг электрон пул муассасасидаги (Е-Гелд-Институт) ёки маркетплейсдаги талаб ҳуқуқини учинчи шахс бўлган қарздордан (Дриттсчулднер) хатлаш тўғрисидаги қарор (Пфäндунгс- унд Üберweисунгсбесчлусс) орқали музлатади ва маблағни ижро депозитига ундиради[8].

Жанубий Корея Республикасида электрон активларга ундирув қаратиш «Электрон молиявий транзакциялар тўғрисида»ги Қонун ва Миллий суд маъмуриятининг (Натионал Соурт Администратион) рақамли ижро портали орқали КФТС (Кореа Финансиал Телесоммунисатионс & Слеарингс Институте) тизими интеграциясида тартибга солинади[9].

Жанубий Кореяда маркетплейслар (Соупанг, Гмаркет) ва тўлов агрегаторлари суд ижро органларининг ягона рақамли тизимига мажбурий уланган бўлиб, қарздорнинг савдо аккаунти аниқланганда депонирланган эскроу-маблағлар ва ички балансlар реал вақт режимида автоматик блокланади ва ундирувга йўналтирилади[10].

МДҲ мамлакатларида (Россия Федерацияси, Беларусь, Қозоғистон) электрон активлар ва рақамли ҳуқуқларга (цифровые права) ундирув қаратиш алоҳида соҳавий қонунлар ҳамда Фуқаролик кодексларининг рақамлаштирилган нормалари орқали кодификация қилинган[11].

МДҲ давлатлари амалиётидаги асосий институционал восита — бу ижро органининг Миллий тўлов тизими операторларига ва электрон пул эмитентларига бевосита автоматик ижро қарорларини юбориши ва электрон ҳамёндаги маблағларни банкдаги махсус депозитар ҳисобга мажбурий конвертация қилиш механизмидир[12].

Хорижий тажрибани комплекс қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, барча ривожланган ҳуқуқий тизимлар учун умумий бўлган жиҳат — бу ундирувни ашёвий мулкдан бемоддий мажбурият-ҳуқуқий талабларга (чосе ин астион) кўчириш ҳамда марказлашган молиявий-технологик инфратузилма субъектларига таянишдир[13].

АСОСИЙ ҚИСМ

Шу билан бирга, хорижий тизимлар ўртасида ўзига хос фарқлар мавжуд: англо-америка тизими судяларнинг дискрецион ваколатлари ва мослашувчан прецедент фармойишларига (еқуитй ремедиес) таянса, романо-герман тизими қатъий кодификациялашган норматив тартибга ва суд ижрочисининг чизиқли ваколатларига асосланади[14].

Хорижий тизимларнинг энг ижобий ютуқлари сифатида реал вақт режимидаги автоматик музлатиш (реал-тиме блоскинг), Опен АПИ интеграция стандартлари, мижозлар маблағларини сегрегация қилиш кафолатлари ҳамда экстриторриал музлатиш буйруқларининг жорий этилганлигини эътироф этиш лозим[15].

Хорижий амалиётдаги муаммоли ва ноқис нуқталар сифатида эса электрон ҳамёнларни асоссиз оммавий музлатиш оқибатида учинчи шахслар ҳуқуқларининг бузилиши, тижорат сирининг ошкор бўлиши хавфи ҳамда децентрализациялашган блокчейн активларни хатлашдаги юрисдикциявий ожизликни кўрсатиш мумкин[16].

Хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини миллий ҳуқуқий базага имплементация қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимининг роман-герман анъаналарига асосланганлиги ва кодификациялашган хусусиятини чуқур ҳисобга олишни талаб этади[17].

Хорижий тажрибани миллий қонунчиликка тўғридан-тўғри кўчиришнинг (тўғридан-тўғри рецепциянинг) асосий хавфи англо-америка ҳуқуқига мансуб бўлган дискрецион суд фармойишларини (масалан, Марева Инжунстионс) миллий фуқаролик процессуал ва ижро қонунчилиги тизимига кўр-кўрона имплементация қилиш натижасида юзага келадиган процессуал тизимсизлик ва коллизиялардир[18].

Хорижий тажрибани миллий ҳуқуқ тизимига мослаштириш (адаптация қилиш) мезонлари сифатида учта тамойилни ажратиш лозим: 1) роман-герман цивилистикасига хос бўлган мажбурият ва ашёвий ҳуқуқ классификациясига риоя қилиш; 2) соҳавий кодификациялашган қонунлар (ФК, ФПК) устуворлигини сақлаш; 3) МИБ ваколатларининг маъмурий-процессуал чегараларини аниқ белгилаш[19].

Англо-америка ҳуқуқидаги Гарнишее / Тҳирд-Партй Дебт Ордер институтини миллий қонунчиликка адаптация қилиш давлат ижрочисининг нобанк тўлов ташкилотлари ва маркетплейсларга юборадиган «учинчи шахслардаги мулкий ҳуқуқларни хатлаш ва ундириш тўғрисидаги ижро фармойиши» шаклида амалга оширилиши лозим[20].

Хорижий мамлакатларнинг реал вақт режимида блоклаш ва Опен АПИ тажрибасини адаптация қилиш Марказий банкнинг Тўлов ташкилотлари ва электрон пул операторлари реестри билан «МИБ Портал» ахборот тизимини ягона хавфсиз рақамли шлюз орқали интеграция қилиш шаклида татбиқ этилиши зарур[21].

Хорижий тажрибани имплементация қилишнинг ҳуқуқий шарти — бу миллий қонунчилик тизимидаги соҳавий ҳужжатларни («Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги, «Электрон тижорат тўғрисида»ги ва «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунларни) ўзаро мувофиқлаштиришдан иборатдир[22].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига хорижий тажриба асосида даъвони таъминлаш чораси сифатида жавобгарнинг электрон ҳамёнларидаги, рақамли ҳисобварақларидаги ва маркетплейслардаги депонирланган маблағларини вақтинчалик музлатишнинг махсус процессуал нормалари киритилиши шарт[23].

Фуқаролик процессуал қонунчиликка рақамли далиллар (дигитал евиденсе) манбаи сифатида электрон ҳамёнлар бўйича ИП-манзиллар, транзакциялар занжири ва ахборот тизимларининг қайд

ёзувларидан фойдаланиш ва уларни баҳолашнинг процессуал стандартлари имплементация қилиниши зарур[24].

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунга электрон активларни, электрон ҳамёнлардаги ва маркетплейслардаги маблағларни хатлаш ва ундирув қаратишнинг босқичма-босқич процессуал тартибини белгиловчи алоҳида норма имплементация қилиниши лозим[25].

Европа Иттифоқининг Сафегуардинг (мижозлар маблағларини автоном муҳофаза қилиш) тажрибаси асосида миллий қонунчиликка маркетплейслар ва тўлов ташкилотлари банкрот бўлганда ёки уларнинг ҳисоблари хатланганда инсофли учинчи шахсларга тегишли бўлган транзит ва эскроу маблағларни автоном ажратиш механизми киритилиши шарт[26].

Институционал даражада хорижий тажрибага мувофиқ Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси марказий аппаратида ва ҳудудий бошқармаларида «Электрон ва рақамли активларни аниқлаш ва хатлаш ихтисослаштирилган шўъбалари»ни ташкил этиш тақазо этилади[27].

Норматив-ташкилий даражада Вазирлар Маҳкамаси ва Марказий банк томонидан «Ижро органлари, банклар, тўлов ташкилотлари ва электрон тижорат операторлари ўртасида ахборот ҳамкорлиги ва электрон активларни музлатишнинг мажбурий Ягона Регламенти» қабул қилиниши зарур[28].

Трансчегаравий активларга ундирув қаратиш соҳасида АҚШ ва ЕИ тажрибасини эътиборга олган ҳолда, Бош прокуратура ва Марказий банкнинг Молиявий разведка органи (Департамент) орқали Эгмонт гуруҳи (Егмонт Гроуп) ва САРИН тармоғи каналларидан ижро процессида фойдаланиш механизми шакллантирилиши лозим[29].

Хорижий тажрибани имплементация қилишнинг яна бир муҳим шарти — давлат ижрочилари ва судяларнинг рақамли молия ва финтех таҳлили, блокчейн-форензика ҳамда рақамли активлар билан ишлаш бўйича касбий малакасини тизимли оширишдан иборатдир[30].

ХУЛОСА

Илмий-назарий умумлаштириш шуни кўрсатадики, электрон активларга ундирув қаратишнинг хорижий тажрибасини Ўзбекистон қонунчилигига имплементация қилиш фақат институционал рақамли автоматизация ва кодификациялашган норматив ислоҳотларнинг узвий синергияси орқали амалга оширилиши мумкин[31].

Қиёсий таҳлил ва тадқиқот хулосаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 209-моддаси биринчи қисмини қуйидаги мазмундаги 7^1-банд билан тўлдириш таклиф этилади (де леге ференда): «7^1) жавобгарнинг тўлов ташкилотларидаги ва электрон пуллар тизими операторларидаги электрон ҳамёнларини, электрон тижорат платформаларидаги депонирланган (e-ecсpow) ва ички балансидаги маблағларини хатлаш ва улар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш»[32].

Шунингдек, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 48-моддаси қуйидаги мазмундаги 48^2-модда билан тўлдирилсин (де леге ференда): «48^2-модда. Қарздорнинг электрон ҳамёнларидаги ва электрон тижорат платформаларидаги активларига ундирув қаратиш тартиби. Давлат ижрочисининг электрон рақамли имзо билан тасдиқланган қарори олинган пайтдан эътиборан тўлов ташкилоти, электрон пуллар тизими оператори ва электрон тижорат платформаси оператори қарздорнинг электрон ҳамёнидаги, ички балансидаги ва депонирланган эскроу-ҳисобидаги маблағларини реал вақт режимида автоматик блоклаши шарт. Хатланган электрон пуллар эмитент томонидан 24 соат ичида миллий валютадаги фиат пулга айлантирилади ва ижро органининг депозитар ҳисобварағига ўтказилади»[33].

Бундан ташқари, «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги Қонуннинг 43-моддаси қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдирилсин (де леге ференда): «Электрон пуллар тизими операторлари ва эмитентлари давлат ижрочисининг мажбурий ижро тўғрисидаги фармойиши келиб тушганда, қарздорнинг электрон ҳамёнидаги электрон пулларни 24 соатдан кечиктирмасдан номинал қиймати бўйича миллий валютага қоплаши ва ижро органининг тегишли депозит ҳисобварағига ўтказиб бериши шарт. Ушбу мажбуриятни бажармаганлик ва қарздор томонидан маблағларни чиқариб кетилишига йўл қўйганлик учун тўлов ташкилоти ва эмитентга нисбатан чиқариб юборилган маблағ миқдорида молиявий жавобгарлик қўлланилади»[34].

Хулоса қилиб айтганда, ривожланган хорижий давлатларнинг электрон активларга ундирув қаратиш бўйича илғор институционал ва процессуал механизмларини миллий ҳуқуқ тизимининг роман-герман цивилистик анъаналарига мослаштирган (адаптация қилган) ҳолда имплементация қилиш Ўзбекистон Республикасида суд ҳужжатларининг муқаррар ва пруденциал ижросини пруденциал даражада таъминлашга хизмат қилади[35].

Фойдаланилган манбалар ва сноскалар рўйхати (ГОСТ бўйича):

1. Рузиназаров Ш.Н., Ачилова Л.И. Электронные сделки и проблемы их применения в условиях цифрового гражданского оборота: Монография. – Петрозаводск: МЦНП «Новая наука», 2020. – С. 112–118.
2. Манн Ф.А. Тҳе Легал Аспест оф Моней. 7тҳ ед. – Охфорд: Охфорд Университй Пресс, 2012. – П. 210–218.
3. Униформ Соммерсиал Соде (УСС) Артисле 12: Сонтроллабле Елестронис Ресордс. Драфтед бй тҳе Униформ Лаw Соммиссион анд Тҳе Америсан Лаw Институте. – УСА, 2022. – УРЛ: ҳттпс://www.униформлаwс.орг/
4. ФинСЕН Адвисорй он Иллисит Активитй Инволвинг Сонвертибле Виртуал Сурренсиес. Финансиал Сримес Енфорсемент Нетwорк. – Wашингтон Д.С., 2019. – ФИН-2019-А003. – П. 5–11.
5. Лаw Соммиссион оф Енгланд анд Wалес. Дигитал Ассетс: Финал Репорт. – Лондон: Лаw Сом Но 412, 2023. – П. 45–52.
6. Соман В. Енфорсемент проседурес он дигитал ассетс анд ехчанге платформс ин сивил лаw // Интернатионал Жоурнал оф Легал Студиес. – 2026. – Вол. 11. – П. 65–72.
7. Зивилпрозессорднунг (ЗПО) ин дер Фассунг дер Бекanнтмачунг вом 5. Дезембер 2005 (БГБл. И С. 3202), зулетзт геяндерт дурч Артикел 3 дес Гесетзес вом 22. Дезембер 2023. § 829, 835.
8. Мюллер К. Дие Пфяндунг вон Е-Гелд унд дигитален Вермögенсwертен им Воллстрескунгсверфахрен // Неуе Журистисче Wоченсчрифт (НЖW). – 2022. – Хефт 14. – С. 981–987.
9. Корея Финансиал Телесоммунисатионс & Слеарингс Институте (КФТС). Аннуал Репорт он Дигитал Паймент Енфорсемент Инфраструстуре. – Сеоул, 2024. – П. 72–78.
10. Ким Ҳ. Дигитал Ассет Енфорсемент анд Е-Соммерсе Платформ Лиабилитй ин Кореан Сивил Проседуре // Жоурнал оф Кореан Лаw. – 2025. – Вол. 24, Но. 1. – П. 115–122.
11. Федеральный закон РФ от 02.10.2007 № 229-ФЗ «Об исполнительном производстве» (в ред. от 29.12.2025) // Собрание законодательства РФ. – 2007. – № 41. – Ст. 4849; Декрет Президента Республики Беларусь от 21.12.2017 г. № 8.
12. Незнамов А.В. Особенности обращения взыскания на цифровые финансовые активы в исполнительном производстве // Арбитражный и гражданский процесс. – 2022. – № 6. – С. 34–38.

13. Гузнов А.Г., Михеева Л.Ю. Цифровые активы в системе объектов гражданских прав // Журнал российского права. – 2020. – № 5. – С. 28–32.
14. Савельев А.И. Электронная коммерция в России и за рубежом: правовое регулирование. 2-е изд. – Москва: Статут, 2016. – С. 440–445.
15. Директиве (ЕУ) 2015/2366 оф тҳе Европеан Парлиамент анд оф тҳе Соунсил оф 25 Новембер 2015 он паймент сервисес ин тҳе интернал маркет (ПСД2) // Оффисиал Жоурнал оф тҳе Европеан Унион. – Л 337. – 23.12.2015. – П. 35–127; Пропосал фор ПСД3/ПСР (2023).
16. Егорова М.А. Легал Регулатион оф Дигитал Ассетс: Глобал Трендс анд Регионал Чалленгес // Жоурнал оф Дигитал Лаw. – 2024. – Вол. 5, Но. 2. – П. 88–94.
17. Валеев Д.Р. Гражданско-правовое регулирование электронной коммерции в Республики Узбекистан: Дис. ... докт. юрид. наук (ДСс). – Ташкент: ТДЮУ, 2021. – С. 195–200.
18. Ачилова Л.И. Гражданско-правовые проблемы оказания услуг в сфере электронной коммерции: Автореф. дис. ... докт. юрид. наук (ДСс). – Ташкент, 2021. – С. 45–48.
19. Равшанов Д. Ижро ҳужжатлари ижросини таъминлашда электрон тижорат платформаларидаги активларга ундирув қаратишнинг ҳуқуқий муаммолари // Юридик фанлар ахборотномаси. – 2025. – № 2. – Б. 52–58.
20. Коростелев М.А. Правовой режим электронных денег в гражданском законодательстве: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2015. – С. 26–28.
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 мартдаги «Ижро ҳужжатлари юзасидан қарздорликларни ундириш масалалари бўйича ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини яратиш тўғрисида»ги ПҚ-3597-сон Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
22. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1 ноябрдаги «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги ЎРҚ-578-сон Қонуни ва 2022 йил 29 сентябрдаги «Электрон тижорат тўғрисида»ги ЎРҚ-785-сон Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
23. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2018. – 1-сонга 1-илова. 209-модда.
24. Иванов О.М. Электронные доказательства в гражданском и арбитражном процессе // Вестник гражданского процесса. – 2022. – № 3. – С. 65–72.
25. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги 258-ИИ-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2001. – № 9-10. – 169-модда.
26. Директиве 2009/110/ЕС оф тҳе Европеан Парлиамент анд оф тҳе Соунсил оф 16 Септембер 2009 он тҳе такинг уп, пурсуит анд прудентиал супервисион оф тҳе бусинесс оф елестронис моней институтионс (ЕМД2) // Оффисиал Жоурнал оф тҳе Европеан Унион. – Л 267. – 10.10.2009. – П. 7–17.
27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5060-сон Фармони.
28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 январдаги 18-сон қарори ва Марказий банкнинг 3231-сонли Қоидалари // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
29. ФАТФ (2021), Упдатед Гуидансе фор а Риск-Басед Аппроач фор Виртуал Ассетс анд Виртуал Ассет Сервисе Провидерс, ФАТФ, Парис, www.фатф-гафи.орг/публисатионс/фатфресоммендатионс/документс/гуидансе-рба-виртуал-ассетс-2021.ҳтмл

30. Шишмарев А.Н. Гражданско-правовое регулирование расчетов с использованием электронных денежных средств: Дис. ... канд. юрид. наук. – Санкт-Петербург, 2020. – С. 170–175.
31. Егорова М.А. Проблемы соотношения и правового регулирования криптовалюты, цифровой и виртуальной валюты // Гражданское право. – 2023. – № 2. – С. 103–107.
32. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2018. – 1-сонга 1-илова.
33. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги 258-ИИ-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2001. – № 9-10. – 169-модда.
34. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1 ноябрдаги «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги ЎРҚ-578-сон Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
35. Равшанов Д. Суд ҳужжатларини ижро этишда электрон активларни хатлашнинг процессуал тартибини такомиллаштириш масалалари // Юридик фанлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти. – 2025. – № 3. – Б. 88–94.